Суриштирув

# ХОТИННИНГ ЭРИГА ДАЪВОСИ

**ажрашишганига 14 йил ўтган бўлишига қарамай судда кўрилди ва ижро 80 ёшли қайнонанинг нафақасига қаратилди**

Бундан кўп эмас, кам эмас 25 йил муқаддам Акрам Нурматов (Бувихол Эгамбердиеванинг ўғли) Сайёра Қурбонова билан яхши ният қилиб турмуш қуришди. Янги оилада бир қиз туғилади. Лекин 1985 йилдан бошлаб ораларига совуқчилик тушади. Ва унга беш йил деганда, аниқроғи, 1990 йил 29 январь куни Жомбой туман суди томонидан нуқта қўйилади, яъни никоҳ бекор қилинади. С. Қурбонова суд орқали ўзига тегишли бўлган мол-мулкларни олиб кетади. С. Қурбонова суднинг ўша кунги иккинчи қарори билан эр-хотин бўлиб яшаётган уйига газ ўтказиш, томини шифер билан ёпиш ва таъмирланиши учун ҳаражат қилгани ва айни пайтда яшаши учун уй-жойи йўқлиги, уй-жойга эга бўлиш учун А. Нурматовдан 2000 сўм ундириб беришни сўраб ёзган аризаси суд томонидан қаноатлантирилади. Ва Ахтам Нурматовдан 2000 сўм ундирилади. Чунки ўша пайтда яшаб турган хонадон Ахтам Нурматовнинг номида бўлган. Қисқа қилиб айтганда, никоҳ бекор қилиниб ўртадаги бор мол-мулк тақсимланиб олиб кетилади. Демак, ора очиқ. Ундан кейин А. Нурматовнинг яшаш манзили ўзгаради. С. Қурбонова эса 1989 йилнинг май ойидан Самарқанд шаҳрининг Сартепа мавзесида яшай бошлайди.

Орадан оз эмас, кўп эмас 14 йил ўтганидан кейин 2004 йилнинг январидан бошлаб, нафақахўр Бувихол Эгамбердиева ва ўғли Ахтамнинг тинчи яна бузилади. С. Қурбонова кутилмаганда Тайлоқ туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилиб А. Нурматов билан 19 йилдан буён бирга яшаб ана шу даврда мол-мулк орттирганлиги, муносабатлари 2003 йилдан бошлаб ёмонлашиб қолганлиги, кейинроқ билса ўрталаридаги никоҳ 1990 йили Жомбой суди томонидан бекор қилинганлиги, энди у билан ярашишдан фойда йўқлигини маълум қилиб, эри А. Нурматовнинг Ургут тумани "Папани" қишлоғида жойлашган уйидаги жами 2986000 сўм (икки миллион тўққиз юз саксон олти минг сўм)лик 22 турдаги кийим-кечак ва идиш-товоқлар, 1992 йилда қурилган айвон, оғилхона, томли гараж ва дарвозахонага қилган харажатларидан улуш ундириб беришини сўрайди.

Суд уларнинг ажрашишганига 14 йил ўтгани, қолаверса, қонунда белгиланган даъво муддати (3 йил) ўтиб кетганига қарамасдан ишни кўриб чиқиш лозим деб топади. 2004 йил январь ойида чиқарилган ажримга асосан Ургут тумани суд ижрочилари У. Мардонов ва А. Ҳайдаров А. Нурматовнинг онаси Бувихол момога тегишли бўлган мол-мулкни С. Қурбонованинг мол-мулки деб рўйхатга олади ва вақтинча сақлаш учун момонинг ўзига топширилади. Энг ҳайратланарлиси, далолатномада кўрсатилган айрим мол-мулклар даъвогар томонидан 5 йил бурун олиб кетилганлиги баён қилинади ва бу ҳам камлик қилганидек, ижрочи ҳамда даъвогарнинг имзосидан бошқа барча имзолар сохталаштирилиб, судга тақдим этилади. Судья Т. Исоқов 2004 йилнинг 12 апрелида томонларни судга чақирмасдан юзаки ва сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариб юборади. Даъвогарнинг аризаси қаноатлантирилади ва ижрога қаратилади. Ана шундан кейин катта суд ижрочиси Бурхон Бобоев тегишли идоралардан қарздор А. Нурматов номида уй-жой, пул жамғармаси ёки автотранспорт воситаси бор-йўқлигини аниқлаб бериш учун маълумот сўрайди. Сўралган ташкилотлар А. Нурматовга тегишли ҳеч нарса йўқлигини маълум қилганларидан сўнг нафақахўр Б. Эгамбердиева номидаги мол-мулкларни аниқлашга киришади ва момо тасарруфидаги мол-мулкларни сотиш, бошқа бировнинг номига расмийлаштиришни тақиқилайди...

Суднинг бундай қароридан норози бўлган А. Нурматов вилоят судига мурожаат қилади. 2004 йилнинг июнь ойида вилоят суди кассация инстанцияси ажрими билан судья Т. Исоқов томонидан қабул қилинган қарорни бекор қилади ва иш қайтадан кўриш учун яна фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судига жўнатилади.

Вилоят суди ҳам негадир даъво муддати ўтиб кетганлигига эътибор қилмайди. Иш бу гал собиқ раис Абдуллаев томонидан кўриб чиқилади. Собиқ раис С. Абдуллаев ҳам А. Нурматов ва Б. Эгамбердиевани судга чақирмасдан уларнинг сўзларидан кўрсатма тўқиб, даъвогар С. Қурбонованинг мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризасини қисман қаноатлантиради.

2004 йил 23 январдаги далолатномада кўрсатилган мол-мулклар янги қарорда ҳаддан зиёд бўрттирилади ва улар С. Қурбонованинг шахсий мулки деб топилади. Борди-ю, мулклар асл ҳолида топилмаса, қиймати жами 133000 сўм жавобгардан ундирилиши кўрсатилади. Бу ҳам етмаганидек, қарорда кўрсатилган манзил — "Бобур" ш/х "Папани" қишлоғида яшовчи, қўшимча жавобгар Б. Эгамбердиевага тегишли уй-жойнинг айвон, оғилхона ва темирдан ясалган дарвоза С. Қурбонованинг улушли мулки деб топилади. Ва улар жавобгар А. Нурматов ва Б. Эгамбердиева ихтиёрида қолдирилиб, улардан солидар тартибда нақд пул ҳисобида 642250 сўм ундирилиши юкланади. Қўшимча 130500 сўмлик кийим-кечак жавобгар А. Нурматовнинг зиммасида қолади. Ва яна мол-мулк қийматининг тенг ярми нақд пул ҳисобида (73500сўм) ундирилиши белгиланади. С. Абдуллаевнинг бу ҳаракати судья Т. Исоқовникидан ўн чандон ошиб тушади.

Суд қарори катта ижрочи Бурхон Бобоевнинг Б. Эгамбердиева ва А. Нурматовдан солидар тартибда С. Қурбонова фойдасига жами 848750 сўм ва давлат божи тўланадиган 42400 сўмни ундириш учун ижрони тўғридан тўғри она ва боланинг нафақасига қаратади. Мажбурий ижро туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Б. Бердиевга юкланади. Момонинг 4 қиз, 1 ўғли бор. Қизлари турмушга чиқиб кетишган. Ўғли эса Самарқанд шаҳрида яшайди. Маҳаллада кам таъминланган оилалар рўйхатида туради. Бир ўзи яшайди. Уй 1954 йилдан буён ўзининг номида. Ўғли ва собиқ келини С. Қурбонова яшаган қисқа даврда ҳам уларга уйга эгалик ҳуқуқи берилмаган. Бундай ҳолатнинг юзага келишига айрим идораларнинг ҳам "ҳиссаси" борга ўхшайди. Масалан, С. Қурбонова 2003 йил 4 ноябрда Самарқанд шаҳрида жойлашган Адвокат САФ-"Қонун" адвокатурасининг 3.11.2003 йилги хатига асосан шаҳар 2-сон ФҲДЁ бўлимидан қонуний никоҳда турганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома олади. Энг қизиғи, ҳам эр-хотин сифатида рўйхатда туриши ФҲДЁ бўлимидан олинган маълумотга қараганда, Жомбой суди чиқарган "никоҳни бекор қилиш" тўғрисидаги қарор 16 йилдан буён етиб келмаган. Ва бу "иш"га Самарқанд шаҳар, "Б. Зокиров" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган сохта маълумотнома ва Ургут туман ер кадастри техник инвентаризация идорасининг 2004 йил 21 июнь куни тайёрланган инвентар ҳужжатларининг ҳам роли катта бўлган. Қайта рўйхатга олинган янги китобда момонинг яшаш уйи ва айвони 1954 йилда, дарвозахона, сайисхона ва оғилхона эса 1988 йилда қурилган деб ва улар 4392800 сўмга баҳоланиб судга бир қанча сохта ҳужжатлар тақдим этилган.

"Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоштемир Худойқуловнинг момони ҳимоя қилиб, судга қилган мурожаати эътиборсиз қолдирилади. Унинг гувоҳлик беришича, Бувихол момонинг уйи 1954 йилда, қўшимча молхона, сайисхона ва дарвоза эса 1975 йилда қурилган, деб ёзади у.

Том усти шифер қилингани ҳам тахминан ўша йилларга тўғри келади. Буни биргина мен эмас, қолаверса, қишлоқ аҳолиси ҳам тасдиқлайди, деб ёзади у. Уй-жойнинг қурилишида ўғли ва собиқ келинининг алоқаси йўқ. 2004 йил ёз фаслида туман ер кадастри мутахассислари келиб, уй-жойини рўйхатга олиб кетганидан кейин хабардор бўлдим. Буни қандай тушуниш мумкин? Ахир бу ерда ҳам, маҳалла бор, оқсоқоллар бор. Улар аввало бизга учрашишлари керак эди. Момонинг ожизлиги ва ёлғизлигидан фойдаланиб, хоҳлаган ишларини қилаверадиларми, дейди оқсоқол.

Бу ҳам камлик қилганидек ижрочилар момога тегишли бўлган бир бош сигирни ҳам рўйхатга олиб, даъвогар фойдасига пул қийматида ҳал қилиб беришади. Жабрдийда Б. Эгамбердиева собиқ раис С. Абдуллаевга ўғлим билан бирга яшамайман, суд ўғлим ва менга солидар тартибда 800000 сўмга қарор чиқарибди. Менда нима айб? Мен қариб қолдим. Ҳовлидаги бир бош сигиримни ўлимимга деб асраб, боқиб юрган эдим. Бошқа ҳеч нарсам йўқ ҳисоби. Сигиримни рўйхатдан чиқариб, менга қайтариб берингглар деб йиғлаб, зорланиб ёзғирганлари ҳам инобатга олинмайди...

Қалбаки имзолар билан тузилган далолатнома ва сохта қарор таъсирида, мана уч йилдирки, Бувихол момо ва ўғли овора бўлиб юришибди. Тегишли мол-мулклар, "Баҳолаш комиссияси" қолиб ижрочилар томонидан баҳоланиб, судга тақдим этилганлигини изоҳлашга сўз ожиз.

Осмон йироқ, ер қаттиқ, 80 ёшли Бувихол момонинг қўлида ҳасса, кўзида ёш билан турли идораларга қилган мурожаатлари наф бермади. Момо ноқонуний моддий ва маънавий зарар кўрди. Давлат томонидан берилаётган, иссиқ кунига яраб турган нафақасига ҳам чанг солинди, мол-мулки талон-тарож қилинди...

**Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**«Hurriyat» махсус мухбири**

Босилмаса-да

***Музработ тумани, "Дарбанд" маҳалласида яшовчи О. Омонқуловнинг "Унутилган ҳудуд ёхуд Музработда бир ой" номли мактуби ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди.***

# ШАРОИТ ЯХШИЛАНАДИ

"Дарбанд" маҳалласи аҳолиси 110/35/10 кВтли узатиш йўллари орқали электр энергияси билан таъминланган. Маҳалла аҳолисининг етказиб берилган электр энергиясидан ҳосил бўлган дебитор қарздорлиги 18,7 млн. сўмни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича Республика Комиссияси мажлисининг 2005 йил 17 октябрдаги 05-23-33-сонли баёнига кўра, Музработ туманидаги "Дарбанд" қишлоғини табиий газ билан таъминлаш техник-иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб топилган ва ёқилғининг муқобил турлари билан таъминланиши белгилаб қўйилган.

"Дарбанд" маҳалласини ёқилғининг муқобил турлари — кўмир ва суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича туман ҳокимлиги томонидан чора-тадбирлар белгиланган.

Музработ туманидаги "Янгиобод—Қўнғирот" сув тармоғини қайта таъмирлаш мақсадида "Янгиобод" ичимлик суви ишлаб чиқариш иншоотига янги 2 дона сув узатиш, 1 дона сув чиқариш насоси ўрнатиш учун туман ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет даромадларининг ошган қисми ҳисобидан маблағ ажратиш ва насослар ўрнатиш якунланганидан кейин "Дарбанд" маҳалласининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Айни пайтда маҳалладаги 48-сонли мактабга ичимлик суви тармоғи ўтказилган.

Мактаб қозонхонаси кўмир ва суюқ ёқилғи билан ишлашга мўлжалланган. Туман халқ таълими бўлими томонидан 48-сонли мактабни 2006-2007 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш режасига биноан июнь ойида 10 тонна кўмир берилган бўлса, суюқ ёқилғи етарли миқдорда жамғарилган. Мактаб биноси қишлоқнинг ўртасида жойлашгани учун турли томонлардан келадиган лой сўқмоқ ва йўллардан ташқари мактабни асосий катта йўл билан боғловчи кўчага асфальт ётқизилган.

Мактабда айрим фанлардан мутахассис-ўқитувчилар етишмаслиги, аммо чет тилидан олий тоифали мутахассис дарс бериб келаётганлиги маълум бўлган. Педагогика касб-ҳунар коллежларини тамомлаб келган ёш мутахассислар иш билан таъминланиши натижасида ёш ўқитувчилар сони кўпайган.

2006 йил май ойидан бошлаб педагогика коллежларида сиртдан ўқиётган ва педагог бўлмаган мутахассислар билан меҳнат шартномаси тузиш қатъиян ман қилинган. Олий таълим муассасаларида таълим олган мутахассисларни мактабга жалб қилиш режалаштирилган.

Мактабнинг спорт зали авария ҳолатида деб топилгани учун "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"га асосан мактаб биноси 2008 йилда таъмирлаш режасига киритилган. Спорт залини мукаммал таъмирлаш ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш ҳали 2008 йилга режалаштирилган.

**П. ТАНГРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари**

Ҳуқуқ

# КЎПЧИЛИК ТАНЛАЁТГАН ЙЎЛ

**Айни пайтда ўлим жазоси 85 та давлатда батамом бекор қилинган, 76 тасида қўлланилиб келиняпти, 24 мамлакат қонунларида эса назарда тутилмаган**

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича, айниқса, сўнгги йиллар ичида мамлакатимизда оламшумул ишларга қўл урилди. Кичкина бир мақолада, албатта, уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапириш мушкул иш. Шунинг учун ҳам фақат иккита — ўтган йилнинг август ойида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"-ги Президент фармонларини жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қисқача бўлса ҳам шахсий мулоҳазаларимизни айтишни лозим топдик.

Бу ҳар икки фармоннинг юксак аҳамиятини гувоҳи бўлаётганимиздек бугунги кунда нафақат юртдошларимиз, балки дунё жамоатчилиги ҳам эътироф этмоқда ва катта қизиқиш билан қарамоқда. Агар бугунги кунда ўлим жазоси 11 та давлатда энг ашаддий жиноятчиларга нисбатан қўлланилаётгани, 24 та мамлакат қонунларида бу жазо назарда тутилмагани, 76 та давлатда эса ўлим жазоси қўлланилиб келинаётгани, 85 та давлатда батамом бекор қилингани инобатга олинса, айни шу масала нафақат бизда, балки бутун дунё жамоатчилиги эътиборидалиги аёнлашади. Демак, бу борада ҳали барча давлатларда ягона фикр шаклланмагани, турли хил қарашлар мавжудлиги, лекин аста-секинлик билан бўлса-да, ўлим жазосини бекор қилаётган мамлакатлар сон-саноғи (85 та) нисбатан кўпайиб бораётгани кўриниб турибди.

Бундан шу нарса англашиладики, демак, биз ҳам кўпчилик мамлакатлар танлаётган йўлдан боришга азму қарор қилганмиз.

Очиқ гап, гарчи кўп бўлмаса-да, айрим фуқароларимизда ҳам "ўлим жазоси олиб ташланса жиноят кўпайиб кетмасмикин", деган номақбул қараш йўқ эмас. Жиноят ишлари бўйича судларда анча йилдан буён ишлаб келаётган киши сифатида айтишим мумкинки, йўқ, бу мутлақо нотўғри ва ножоиз фикр. Ўтган ойнинг охирроғида Ўзбекистон Республикаси Олий судида биз бугун тилга олаётган икки фармон ижросини таъминлашга оид масалаларга бағишланган "Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги кафолати" мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда ҳам кўп бор таъкидланганидек, ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятчиликнинг кўпайишига асло таъсир қилмайди. Масалан, қонунчиликда ўлим жазоси 33 та моддада қўлланилганда ҳам жиноятчилик камайиб кетмаган. Ёки бугунги кунда ўлим жазоси атиги 2 та модда бўйича қўлланилаётган бўлса-да, жиноятчилик аввалги даврга нисбатан кўпаймаган.

Ўлим жазосини бекор қилиш ашаддий жиноятчиликка эрк берилади ёки кечирилади дегани эмас. Назаримда, юқоридаги фикрга эга бўлган кишилар буни ана шундай талқин қилишаётган кўринади. Бу ерда гап ўлим жазоси ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазоси белгилаш ҳақида боряпти. Айни пайтда узоқ муддатли қамоқ жазоси қанча йил белгиланиши мумкин, деган таклиф ва мулоҳазалар ҳам бўляпти. Айримлар 20 йил дейишса, баъзилар 25 йилдан кам бўлмаслиги керак ҳамда улар қамоқхоналарда оғирлаштирилган шароитларда сақланиши лозим, дейишмоқда. Албатта, бу борада ҳали ягона тўхтамга келингани йўқ. Ҳали вақт бор. Барча таклиф ва мулоҳазалар обдон ўрганилиб, мақбул бир хулосага келиниши шубҳасиз.

Ўлим жазоси бекор қилинишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, адолатсиз ҳукм қилиш хавфини йўқ қилади. Масалан АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган. Сўнгги 30 йил ичида ўлим жазосига маҳкум этилганлардан 121 киши айбсиз деб топилиб, ўлим камераси ичидаёқ озодликка чиқарилган. Мустабид совет даврида қанчадан қанча фуқароларнинг ҳеч қандай айбсиз ва асоссиз отиб ташлангани ҳам фикримизга яққол далил бўла олади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, мутахассисларнинг фикрича, энг аввало, шахс ҳуқуқи ва эркинликларини тўлақонли равишда таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, у дастлабки тергов ва судгача бўлган жараёнда суд назоратини ўрнатади, суд ва судьяларга жуда катта масъулият юклайди. Жаҳон тажрибаси қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш судгача бўлган жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўпгина ижобий натижалар бериши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Албатта, суд-ҳуқуқ тизимидаги бу икки улкан ислоҳот ҳали жуда кўп тайёргарлик ишларини тақозо қилади. Ва айтиш жоизки, бу борада анчагина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Яқиндагина эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармойиши ҳам бу борада ишлар жиддий ва қизғин кечаётганлигидан далолат беради.

**Ўткир АБДУЛЛАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Зарбдор туман суди раиси**




Хушхабар

# МИЛЛИЙ КИТОБ ПАЛАТАСИ ISBNга АЪЗО БЎЛДИ

**Мутахассислар энди нашр қилишдаги айрим нуқсонлар барҳам топади, дейишмоқда**

Чет элда яшаётган юртдошларимиз она тилларидаги асарларни кўриб ҳайратлансалар ажаб эмас. Асрлар давомида дунё кезган Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид асарлари, қалам билан жаҳонни эгаллаган Алишер Навоийнинг "Хамса"си серқуёш ўлка, ўзига бек эл борлигини ва аждодлари буюк зотлар бўлганини барча халқларнинг ёдига солиб туради. Энди республикамиз нашриётларида чоп этилажак ҳар бир китоб жаҳон юзини кўради. Уч-тўртта асар билан бу юртни эслаб турган элатлар энди миллион-миллион китобларимиз билан танишадилар.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги биносида уч кун давом этган конференция Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатасининг ISBN (International Standart Book Number) га аъзо бўлиши муносабати билан ўтказилди.

Хўш, ISBN ни юртимизда татбиқ этишдан мақсад нима? Бу саволга жавоб беришдан олдин ташкилот ҳақида билмоғимиз керак.

ISBN — китобларни халқаро стандарт рақамлаш тизими 1970 йилда таъсис этилиб, айни пайтда 160 дан зиёд давлат унинг аъзосидир. Бу тизимга Берлиндаги ISBN нинг халқаро агентлиги раҳбарлик қилади. Шунингдек, агентлик мамлакатларга (Масалан, 985 — Беларусь, 99929 — Монголия ва ҳ.) ёки бир гуруҳ мамлакатларга (Масалан, инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар) 0+1 индентификаторларни берган. Бундан ташқари ISBN китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар орасида ҳам катта муваффақият қозонди. Китобга буюртма бериш ва тарқатишда ISBNнинг ўрни беқиёсдир. ISBNнинг афзаллиги шундаки, у 10 та сондан иборат бўлиб, нашрни уникал аниқлашга мўлжалланган ва уни узундан узоқ библиографик тасвирлаш ўрнида ишлатиш мумкин. Ишчи кучи ва вақтни тежайди, нусха олишда хатога йўл қўйилишини бартараф этади. Нашр этилган каталоглар тузиш ва уларни янгилаш ишини енгиллаштиради. Китоблар тўғрисидаги ахборотни тезда топиш имконини беради.

— Яна қулайлиги шундаки, вилоят нашриётларида босилган китобларга ҳам ISBN берилгач, маҳсулот фақат вилоятнинг ўзида эмас, балки бутун дунёга тарқалади ва маълум гуруҳ учун мослаб чиқарилаётган китобларга барҳам берилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси директори Зуҳриддин Исомиддинов. — Шунинг учун вилоят нашриётларидан ҳам вакиллар келишган. Узоқ вилоятлар — Хоразм, Бухоро ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига ўзимиз бориб бу ҳақда билдирамиз.

Айтиш жоизки, ISBNни рўйхатга олишда қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади. Ҳар қандай ношир нашр қилинган китобларга ва нашр қилиниши режалаштирилаётган китобларга берилган рақамлар ҳақида ҳисобга олувчи ташкилотга ахборот бериши зарур. Агарда ношир ISBNни ҳисобга олиб бориш вазифасини ўз зиммасига олмаса, бу ишни гуруҳ агентлиги ёки ташкилотнинг ўзи бажариши мумкин. ISBNни такрор ишлатишнинг тақиқланиши рўй берадиган чалкашликлар олдини олади.

Ўзбек, рус, инглиз ва олмон тилларида маълумот берган ISBN вакиллари юқоридагиларга алоҳида тўхталди. Республикамиз нашриётларида чоп этиладиган китоблар турли халқлар қўлига етиб борар экан, нашриёт ходимлари олдига янада катта вазифа қўйилиши табиий. Камчиликлари кўп бўлса-да, кўз юмиб босишга мажбур бўлган китоблар бундан буён назорат остига олиниши лозим. ISBN берилган ҳар бир китоб жаҳон стандартига жавоб беришни (сифатли муқовада, мазмунли манба бўлишини) тақозо қилади. Сабаби ҳар бир китоб ёки рисолада ватанимиз шаъни акс этади. Шундай экан, уни ҳимоя қилишга барчамиз масъулмиз.

**Сарвар ХУРРАМОВ**

Топилма

# НАПОЛЕОН КРЕСЛОСИГА ЎТИРГАН РАИС

**етти йилга озодликдан маҳрум этилганди**

Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи музейининг янги экспонатлари бу ерга ташриф буюрувчилар сонининг кўпайишига сабаб бўлиши турган гап. Чунки бу экспонантлар Наполеон Бонапарт яшаган даврда яратилган мебел мажмуасидан иборат. Хўш, қандай қилиб ушбу мебел Самарқандга келиб қолган?

1946 йилда Самарқанд туманидаги собиқ Каганович колхозидан Ленинградга бир неча вагон пиёз ва қуруқ мева жўнатилади. Маҳсулот 90 минг рублга сотилади ва пулига академик Белинковнинг бевасидан мебел мажмуаси сотиб олинади. Ўшанда бу аёл мебел Наполеонга тегишли бўлганлигини айтган. Унинг берган маълумотига кўра, 1814 йилда рус қўшинлари Парижга бостириб кирганда, император Александр I Наполеон пойтахтини эгаллаганлиги шарафига мебел мажмуасини Петербургга олиб кетишни буюради. Сўнгра уни ўзининг яқинларидан бири, рус зодагонларидан бўлган Белинковга совға қилади. Император совғаси авлоддан авлодга ўтиб, охири академик Белинковга тегади.

Мебел мажмуаси битта стол, учта кресло, тўртта стул, битта диван, иккита шкаф ва соатдан иборат. Бу жиҳозлар кўп йиллар давомида хўжалик раисининг иш хонасини безаб турган. Диван, кресло ва стулларга кўпчилик ўтириб-турганлиги боис хитой ипагидан қилинган жилдининг ранги қорамтир тус олиб, баъзи жойлари ейилади ва йиртилади. Шу сабабли барча жиҳозлар колхоз устаси томонидан қизил бахмал билан қопланади.

Оддий бир хўжаликдаги бундай чиройли ва қимматбаҳо мебел юқорирокда ўтирган айрим раҳбарларнинг тинчини бузади. Райкому обкомдан тортиб, ҳукумат раҳбаригача жиҳозлар билан ўз иш хонасини безаш орзусида бўлади. Лекин хўжалик раҳбарлари бу жамоа мулки эканлигини, уни ҳеч кимнинг тортиб олишга ҳақи йўқлигини уқтиришади. Уларнинг бундай «ўзбошимчалиги» қимматга тушади: молиявий ҳуқуқбузарликда айбланади. Ўша вақтдаги раис Исмоил Иброҳимов 7 йилга, мебелни Россиядан сотиб олиб келган хўжалик таъминотчиси Арон Каплан 20 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Қишлоқдаги 60 йиллик «ҳаёт»идан сўнг мебел жиҳозлари яқинда давлат музейи ихтиёрига берилди. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош директори Нўъмон Маҳмудовнинг сўзларига кўра, йирик жамоа хўжаликлари ўрнига кичик фермер хўжаликлари вужудга келиши бошқа мол-мулк қатори мебел мажмуасини тақсимлаш масаласини вужудга келтириши мумкин эди. Бу бир томондан. Бошқа томондан, деярли икки юз йиллик тарихга эга бўлган жиҳозлар реставрация қилиниши ва мутахассислар назорати остида бўлиши зарур эди. Бундан ташқари, сайёҳлар шаҳри бўлган Самарқандда, унинг бош музейида сақланган экспонатдан кўпчилик баҳраманд бўлишини ҳам назарга олиш керак.

Ҳозирги кунда музей мутахассислари мажмуадаги ҳар бир жиҳозни синчковлик билан ўрганишмоқда. Маълум тайёргарлик ишларидан сўнг улар қайта таъмирланади ва алоҳида хонага жойлаштирилади. Бунинг учун музей залларидан бири ажратилган бўлиб, Н. Маҳмудовнинг уқтиришича, у ерга мебел мажмуасидан ташқари Европа руҳини берадиган суратлар ва бошқа жиҳозлар ҳам қўйилади.



Азиз муштарийларда «Мебелнинг Наполеонга дахлдорлиги қанчалик ҳақиқатга яқин?» деган савол туғилган бўлиши табиий. Ушбу саволга мутахассислар ҳам жавоб излашмоқда. Самарқанд музейининг бош сақловчиси Ольга Погарелованинг фикрича, жиҳозлар бир неча марта экспертизадан ўтказилган. Аммо энг сифатлиси Ўзбекистон бадиий академияси бош эксперти Кузьма Ткаченко томонидан 1998 йилда бажарилган. У ўз хулосасида стол ва стуллар XVIII асрда Францияда ясалганлигини уқтиради. Эксперт столнинг ёнбошида Наполеонга тегишли эканлигини билдирувчи белги (мутахассислар тили билан айтганда, вензель ёки туғро) — «N» ҳарфи битилганлигига эътибор жалб этади.

«Диван ва креслога Бонапарт ўтирган ёки ўтирмаганлиги аниқ бўлмаса-да, аммо мебел Наполеон даврига тегишли эканлигига шубҳа йўқ», — дейди О. Погарелова.

Кўп ўтмай икки юз йиллик тарихга эга ва кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган мебел мажмуаси музей экспонатлари қаторидан жой олади. Шунда музейга келган ҳар бир киши жиҳозларни ўз кўзи билан кўриш, уларга баҳо бериш имкониятига эга бўлади.

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ**

*Муаллиф туширган сурат*

Жараён

# МАҚСАДСИЗ ЁШЛАР

**танлов иштирокчилари орасида учрамайди**

*Япония тараққиётнинг мисли кўрилмаган чўққиларини забт этди. Муаммолар ҳам шунга яраша. Ҳозирда япон зиёлиларини "истеъмолчи ёшлар" муаммоси жиддий бош қотиришга мажбур қилмоқда. Анчайин шаклланиб улгурган ёшларнинг бундай қатлами ҳам маданий, ҳам иқтисодий "маҳсулот"ларни фақат "истеъмол" қилиб ҳаёт кечиришади. Уларнинг ўзига хос "мақом"ини белгилаш учун жамиятшунослик илми янги тушунчаларга зарурият сезмоқда: "Маиший қатлам", "Истеъмолчи ёшлар қатлами"... Оддийроқ қилиб айтсак, мақсадсиз ёш авлод. Аслида "ўн саккиз ёшинда" "ўн саккиз минг олам ошуби бошинда" бўлмоғи керак эди-ку! Олимлар бу жараённи "тараққиёт касаллиги" деб баҳолашмоқда. Ватанимизни ривожланган давлатлар сирасида кўриш иштиёқи билан ёнар эканмиз, юқоридаги каби "касаллик"ларни кўриб бироз шаштимиз тушади. Наҳотки, биз ҳам шу йўлдан юришга мажбур бўлсак? Минталитетимиз бу борада халоскор бўла оладими? Иммунитет яратиш учун нималар қилиш керак?..*

*"Келажак овози" мега танловининг Тошкент вилоят саралаш босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимида қатнашаётиб юқоридаги ўйлар ўтди, хаёлимдан. Қачон бошланар экан, деб ўтирган томошабинларни доираларнинг бакабуми бир сергак торттирди, давра жонлангандек бўлди. Болакайларнинг қўлида доира рақсга тушиб қўшиқ айтарди. Ғолиблар эълон қилинаётганида худди совриндорлар сираси ҳаливери тугамайдигандек эди. Улар орасида адабиёт ошноларидан тортиб, оддий тилда айтганда, "бизнесмен"ларгача, бўлажак ихтирочилардан ҳунармандларгача бор эди. Шу ерда яна бир савол туғилди: "Бадиий ижод" ҳамда "Бадиий ва амалий санъат" номинациялари бўйича ғолиблар кўпроқ эканми? Дарвоқе, бу номинацияларнинг йўналишлари ҳам кўп-да. Қолаверса, Навоий авлодларимиз. Бироқ "Архитектура ва дизайн", "Ахборот ва коммуникацион технологиялар", "Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинациялари бўйича ғолиблар кам, икки нафардан экан. Ахир Фарғоний, Хоразмий, Берунийлар ҳам бизнинг аждодларимиз эмасми? Негадир уларнинг қони томирларимизда камроқ гупираётгандек...*

*Ҳали маросим тугамасдан журналистлар интервью олишни бошлаб юборишди. Ёшларнинг билдираётган фикрлари, мулоҳазалари "Бизнинг давримиз келди", деб жаранглаётгандек эди.*

*"Келажак овози" мега танлови дирекциясидан олинган маълумотлар бизни яна бир ҳайратга солди, ҳам қувонтирди.*

*Ўтган йили мазкур танловга республика миқёсида уч мингга яқин даъвогар қатнашган эди. Бу йил эса тушган аризалар сони тўққиз мингдан ошиб кетди. Ҳар бир вилоятдан 18-21 нафар ғолиб Республика финал босқичига йўлланма олиши кўзда тутилган. Ғолиблар сони тўққиз минг қатнашчига нисбатан олганда, албатта, кам. Муҳими, тўққиз мингдан зиёд ёшларимизда аниқ мақсад шаклланди. Шу танлов баҳонасида улар ўзлари учун келажакнинг суратини ёрқин бўёқлар билан чизиб олишди.*

*Мақсад бу — йўл демакдир. Йўл эса, албатта, кўзланган манзилга элтади.*

**Фаррух ЖАББОРОВ**

## Дараклар

### ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСРОИЛ ДАВЛАТИГА ҚАРШИ ЭМАС

***Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот яҳудий давлатининг мавдужлигига қарши эмаслигини маълум қилди. Бу ҳақда Эрон раҳбари АҚШда ўтадиган БМТ Бош ассамблеясига жўнаш олдидан "Time" журналига берган интервьюсида таъкидлаб ўтган.***



Эслатиб ўтамиз, Аҳмадинажот бир неча бор Исроил жаҳон харитасидан супириб ташланиши зарурлиги ҳақида шов-шувли баёнотлар билан чиққанди. Бундан ташқари, Эрон президенти Иккинчи жаҳон уруши даврида яҳудийларнинг фашист концлагерларида қирғин қилиниши ҳодисасини шубҳа остига олган эди.

### МЕКСИКАДА ЭНГ ҚАДИМГИ БИТИКЛАР ТОПИЛДИ

***Мексиканинг Вераскус штатида милоддан олдинги 10 асрга оид тош битик топилди. Ҳозиргача милоддан олдинги 5 асрга тегишли бўлган топилма Ғарбий яримшар тарихидаги энг қадимий ёдгорлик ҳисоблаб келинарди.***

Вераскусдан топилган тош битикларда 28 хил белгидан фойдаланилган. Аниқланишича, сўзлар чапдан ўнгга қараб ёзилган. Лекин олимлар ҳозирча ёзувларни тўла ўқишга муваффақ бўлишмади.

Тахминларга қараганда, тош битик милоддан олдинги 12-5 асрларда Мексикада яшаган ольмек халқига тегишли. Айнан ольмеклар Америка қитъасида илк бор ёзув кашф этган халқ саналади.

### ГЕНЕРАЛНИ КИМ ЎЛДИРДИ?

***Фаластин махсус хизматининг беш нафар ходими номаълум жангарилар томонидан ўлдириб кетилди. Ўлдирилган юқори лавозимли фаластинликлар орасида мухторият махсус хизмати генерали ҳам бор.***

Хабарларга қараганда, воқеа мухторият бош вазири Исмоил Хониянинг Ғазодаги уйи яқинида рўй берган. Ҳозирча махсус хизмат вакилларини ўққа тутган жангарилар қайси гуруҳга мансублиги аниқланмаган.

Кузатувчилар ушбу ҳодиса Фаластиндаги икки мухолиф партия — ФАТХ ва ХАМАС ўртасида ягона миллий ҳукумат тузиш йўлида музокаралар бошланган пайтда рўй берганига эътибор қаратишмоқда.

### ҚАШШОҚ ДАВЛАТЛАР КЎПАЙМОҚДА

***2006 йилда иқтисодиёти ўта заиф давлатлар миқдори 26 тага етди. Бу ҳақда Жаҳон банки тарқатган маълумотларда қайд этилган.***



Жаҳон банкининг мустақил баҳолаш гуруҳи хулосасида айтилишича, дунё аҳолисининг ярим миллиарди иқтисоди "мўрт" бўлган давлатларда истиқомат қилади.

Иқтисоди ўта беқарор бўлган давлатлар рўйхатига Ангола, Тожикистон, Шарқий Тимор ва Марказий Африка Республикаси киритилган.

2004 йилда Жаҳон банки қашшоқ давлатларга 4 миллиард доллар молиявий кўмак ажратди. Россия Федерацияси каби айрим етакчи давлатлар камбағал мамлакатларнинг қарзларидан воз кечди. Бироқ барибир дунё миқёсида қашшоқлик даражаси кенг ёйилиб бормоқда.

**Асадулла ҲАСАНОВ тайёрлади**

## Бугун қандай кун?

**20 сентябрь. Бу кунда жаҳон тарихида қуйидаги ҳодисалар рўй берган:**

**1519 йил.** Фернандо Магеллан бошчилигида илк бор дунё бўйлаб саёҳат амалга оширилди.

**1778 йил.** Антарктидани кашф этган рус денгиз саёҳатчиси Фаддей Беллинсгаузен дунёга келди.

**1792 йил.** Францияда никоҳни бекор қилиш — ажралишга илк бор рухсат берилди.

**1802 йил.** Россияда министрлик жорий этилди.

**1862 йил.** Санкт-Петербургда мамлакат тарихидаги биринчи консерваторияга асос солинди.

**1926 йил.** Америка мафияси бошлиғи Ал Капоне Иллинойсдаги идорасида рўй берган отишма пайтида мўъжиза туфайли тирик қолди.

**1928 йил.** Италияда фашистлар партияси ҳукмрон сиёсий ҳаракат деб эълон қилинди.

**1974 йил.** Гондурас (Марказий Америка)даги тўфон пайти 5 мингта яқин киши қурбон бўлди.

**1990 йил.** Жанубий Осетия Грузиядан мустақиллик эълон қилди.

**1994 йил.** Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиев Ғарб компанияларига Каспий нефтини ўзлаштириш ҳуқуқини берди. Россия бу ҳаракатни ноқонуний деб баҳолади.

**1999 йил.** Бельгияда фаҳш билан шуғулланувчи аёллар мактаби иш бошлади. Бу Ғарб маданиятига хос яна бир ахлоқсизлик намунаси эди.

**2000 йил.** «Транперенси Интернейшнл» халқаро ташкилоти эълон қилган ҳисоботда Нигерия дунёдаги энг коррупциялашган давлат деб эълон қилинди.

## Суҳбат



*Аслида шундай одам билан бир даврда, бир шаҳарда яшаётганимни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Маҳмуджон Эшонқулов йигирма етти халқаро мукофот совриндори, Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби давлатларда ўтказилган карикатура танловларида ғолиб бўлиб қайтган. Қайсидир маънода бу ҳажвчи-рассомсиз ўзбек карикатурачилигини тасаввур қилиб бўлмайди. «Олтин қалам» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида ҳаммасидан хабар топдим-у, тезроқ у киши билан суҳбатлашишга ошиқдим. Шу ниятда қаҳрамонимизга қўнғироқ қилдим. Саломимга берилган алик, гапиришга навбат бермай аҳволимни сўраётган овоз хушчақчақ ва самимий эди. Уйининг манзилини олдим-у, тезроқ учрашишга чоғландим. Кўз олдимга келган муҳташам бинони кўп изладим. Манзил бўйича бориб, фақат чоғроқ уйга дуч келгандим-да. Ниҳоят, кичик уйнинг кичик хонасида, кичик стол атрофида катта суҳбат ўтказдик ва унинг бир қисми қоғозга тушди.*

# КАРИКАТУРАГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

**— Албатта, халқаро конкурсларда иштирок этиб, фахрли ўринларни олишнинг ўзи бўлмайди. Расмларингизнинг юқори баҳоланишига асосий сабаб нима деб ўйлайсиз?**

— Ҳаммаси аввало Оллоҳдан. Ютуқ олган расмларимга келсак, ҳеч нарса сабабсиз бўлмайди. Шундай экан, бунинг кўпгина жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, карикатурада танланган мавзу долзарб ва оригинал бўлиши, иккинчидан, расмда юмор кучли тасвирланиши керак. Шу қоидаларга амал қилган ҳар қандай рассом катта ютуқларга эришиши табиий. Энди ўз ишларимга тўхталсам, унда, асосан, глобал мавзулар: экология, терроризм ҳамда сиёсий масалаларни акс эттираман. Бошқаларни ўз кашфиётингизга тез жалб қилишнинг бирдан бир йўли шуки, инсонларнинг айни дамдаги ижтимоий ҳаётини очиб бериш зарур. Бу каби мавзуларни топиш учун замон билан ҳамнафас яшаш муҳим. Хўш, мавзу топилди. Энди уни қоғозда акс эттириш учун ғоя керак бўлади. Қандай услубда, қандай ҳолатда чизиш муаммоси туғилади. Бунинг учун китоб, журнал, газета ўқийман. Бадиий адабиётга бўлган қизиқишим ёшлигимданоқ ўзгача эди. Йилига уч-тўрт, жуда берилиб кетсам олти-еттитагача роман ўқийман. Карикатуранинг ранг-баранглиги ва муваффақиятга эришишимга сабабчи бўлган асосий омил бу – мутолаа.

**— Танлов ҳақида ҳам...**

— Португалияда дунё матбуот карикатураси (World Press Cartoon) маркази бор. Бу ташкилот ҳар йили дунё бўйича фақат вақтли матбуотда нашр қилинган карикатуралар кўргазмасини ва танловини ўтказади. Улар оригинал карикатураларни, газета ёки журнал билан бирга қабул қилади. 2005 йилги кўргазмада Ўзбекистондан ҳам рассомлар қатнашди ва расмлари сараланган асарлар рўйхатига киритилиб "World Press Cartoon 2005" альбомида нашр қилинди. Ҳусан Содиқов, Шавкат Музаффар "Муштум" журнали билан, мен "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси билан қатнашдик. Таҳририят ва рассомлар альбом, сертификат билан тақдирландилар.

**— Хориж матбуотларида карикатурага катта эътибор берилади?**

— Чет давлатларда, айниқса, Европада матбуотни карикатурасиз тасаввур этиш қийин. Ҳар қандай газета, журнал, хоҳ сиёсий, хоҳ ҳуқуқий ёки ҳажвий бўлсин, карикатура учун, албатта, жой ажратади.

**— Бизнинг матбуотимизда бир тушунча мавжуд. Гўёки карикатура фақат "Муштум" ёки "Афанди"-га хос.**

— Тасвирий санъатда карикатура жумласи бор. Бу матбуот рассомчилиги дегани. Республикамиздаги матбуот нашрлари билан бевосита мулоқот қиламиз. Баъзиларида карикатуралар онда-сонда бериб турилади, лекин уларга шунақанги силлиқ расмлар керакки, озгина танқидийроқ бўлса чоп этишмайди. Чунки сенсацияга тоқатлари йўқ.

**— Газета ва журналларда ҳажвий расмлар учрамаслигининг бошқа сабаби йўқми? Балки яна нимадир тўсқинлик қилаётгандир?**

— Яхши савол бўлди. Худди шу масалани кимгадир айтмоқчи бўлиб юргандим. Журналистика факультетларида матбуот рассомчилиги ҳақида мутлақо ўргатишмайди. Натижада ўқув юртини тугатиб, муҳаррирлик даражасига етган журналистлар ўз-ўзидан карикатурага эътиборсиз бўлишади. Бироқ ўқувчи биринчи навбатда газетадан карикатура қидиришини, агар мавжуд бўлса, уни таҳлил қилишини билмаймиз. Карикатура моҳиятини тўла англаб етмаган муҳаррирлар унга бефарқ бўлиб тураверади. Сабаби яна шунга бориб тақалади – ўқиш жараёнида ўргатилмаган.

**— Балки, ҳажвчи-рассомларнинг ўзлари матбуот билан ҳамкорлик қилишни хоҳламаётгандир.**

— Нега энди? Масалан, сиз, хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, газетада бирорта мақолангиз чиқишини истамайсизми? Мақолангиз таҳрир бўлиб, ўзгариб кетса ҳам, исм-шарифингизни кўрибоқ қувонасиз, шундай эмасми? Биз ҳам худди сиз каби бир хурсандчилик учун бўлса-да, карикатурамизни газета ёки журналда кўришни хоҳлаймиз.

**— Демоқчиманки, гонорар пули қониқтирмаётгандир.**

— Матбуотимизда гонорарнинг камлиги сир эмас. Баъзи нашрларнинг тиражи кам бўлгани учун ҳам бу борада анчайин оқсаб қолган. Хавотирлиси, матбуот баъзи мутасадди раҳбарлар учун бизнес манбаига айланиб қолган.

Чет эллик ҳамкасбларим бор, хат ёзишиб турамиз. Фақат битта газетага карикатура чизиб бергани (оқ-қора) эвазига кун кечиради. Машина, уй-жой, ҳамма-ҳаммасига биргина газетадан берилган маоши етиб ортади...

**— Матбуот ходимларига айтар сўзингиз?**

— Баъзида биргина расмни таҳририятга бериб кетиш учун соатлаб кутишга тўғри келади. Гонорарни қўя туринг, ҳатто нега келдинг, деб сўрамайдиган муҳаррирлар ҳам бор. Аслида бизга гонорар эмас, бироз эътибор берилса бас, ҳамкорлик ҳилишга тайёрмиз.

**Сарвар Хуррамов суҳбатлашди**

## Нигоҳ

# Грузия: ФОШ ЭТИЛГАН ФИТНА

Расмий ҳукумат давлат тўнтариши бартараф этилганини даъво қилмоқда, мухолифат эса сиёсий қатағон бошланганидан хавотирда...

***Грузияда амалдаги ҳукуматга мухолифатда бўлган сиёсий кучларга қарши кенг миқёсда операциялар амалга оширилгани Кавказдаги мўъжазгина давлат номини яна жаҳон матбуотининг бош саҳифасига олиб чиқди. Мухолифат вакилларининг оммавий равишда ҳибсга олиниши "Атиргуллар инқилоби" билан Грузия ҳокимияти тепасига келган ва ўзини демократия раҳнамоси деб эълон қилган президент Михаил Саакашвили маъмуриятига нисбатан жиддий эътироз ва гумонли саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлди.***

### Кичик мамлакатда катта операция

6 сентябрь куни Грузия махсус кучлари мамлакат миқёсида улкан операция ўтказишди. 500 дан зиёд махсус хизмат ходими иштирок этган амалиёт давомида Грузия сиёсий мухолифати етакчиси, собиқ давлат хавфсизлиги вазири Игорь Гиоргадзенинг "Адолат" (Справедливость) партияси фаоллари ва оппозиция лидери тарафдори бўлган шахслар ҳибсга олинди. Ички ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, махсус хизмат давлат тўнтариши қилишга уринган 29 нафар мухолифат етакчисини қамоққа олган. "Рустави-2" телеканали эса ҳибс қилинганлар сони 90 дан ошиши тўғрисида хабар тарқатган.

Михаил Саакашвили ҳукуматига очиқ қарши бўлган "Антисорос" ҳаракати раҳбари Майя Николеишвили ўз дала-ҳовлисида қамоққа олинган. Грузия монархия партияси етакчиси Темур Жоржолиани эса идорасидан олиб кетилган. Ҳибс қилинган мухолифат вакиллари орасида "Адолат" партияси ёшлар қаноти раҳбари Майя Топурия, "Грузин ҳаракати" ташкилоти раиси Вахтанг Талахадзе ва Игорь Гиоргадзе тарафдори бўлган яна бошқа ўнлаб сиёсий етакчилар бор.

Игорь Гиоргадзе Эдуард Шеварнадзе даврида хавфсизлик вазири лавозимида ишлаган. Кейинроқ президентга қарши суиқасдга алоқадорликда айбланган Гиоргадзе чет элга қочиб кетишга мажбур бўлган. Игорь Гиоргадзе сиёсий дастурида Россия билан дўстона алоқаларни тиклаш асосий ўрин тутади. Шу боис ҳам, муҳожирликдаги грузин сиёсатчиси Кремль томонидан қўллаб-қувватланади. Айни пайтда Интерпол томонидан жиноятчи сифатида қидирилаётган сиёсий етакчининг Россияда бемалол яшаётгани ҳам балки шундандир.

Оммавий ҳибслар пайтида оппозициядаги партияларнинг барча идоралари тинтув қилинди. Тинтув пайтида эса жуда жиддий айбловларга "тортадиган" далиллар топилди. Грузия телеканаллари мухолифат вакилларини ҳибсга олиш ва тинтув жараёнлари ёзилган тасвирларни бир неча бор эфирга узатди. (Эътиборли жиҳати, тонгги соат бешда бошланган амалиётларни тасвирга олиш учун барча давлат телеканаллари вакиллари ҳозир бўлишган!)

Тинтув пайтида "Адолат" партияси ёшлар қаноти раҳбари Майя Топуриянинг уйидан бир неча минг доллар пул чиққан. Ички ишлар вазирлиги тахминига кўра, пуллар Москвадан — Гиоргадзе томонидан Грузияда давлат тўнтариши уюштириш учун юборилган.

"Адолат" партияси фаолларидан бири Кахабер Кантариянинг уйидан эса гранатомётлар чиққан. Грузия Ички ишлар вазири Вано Мерабишвили амалдаги тузумни қуролли йўл билан ағдаришга тайёргарлик кўраётган сиёсий фитна фош этилгани ва жиноятчилар ҳибсга олингани тўғрисида шошилинч баёнот берди. Вазирнинг тахминига кўра, 2006 йилнинг майидан буён давлат тўнтаришини амалга ошириш учун тайёргарлик кўриб келган мухолифат мамлакатда оммавий норозиликлар уюштириш орқали президент Михаил Саакашвилини ҳокимиятдан кетказиб, Игорь Гиоргадзени давлат раҳбарлигига олиб келишни мақсад қилган. Мухолифат ижросидаги фитна бошида Россия махсус кучлари турганлиги гумон қилинмоқда.

### Учинчи уриниш

Аслида Грузия ҳукуматининг Россия хавфсизлик кучларини мамлакатга қарши фитнада айблаши Ироқда навбатдаги кўпорувчилик амалга оширилгани каби янгилик ҳам бўлмай қолди. Биргина жорий йилда Грузия ҳукумати Москва томонини уч бора давлат тўнтариши уюштиришда айблади.

### Воқеалар марказида



Мухолифат етакчиси Игорь Гиоргадзе



Грузия президенти Михаил Саакашвили



"Антисорос" ҳаракати раҳбари М. Николеишвили



"Умид" партияси раҳбари Ирина Саришвили



Монархия партияси раиси Темур Жоржолиани

Дастлаб Грузия қамоқхоналарида март ойида рўй берган маҳбуслар исёни қўшни давлат махсус хизматига боғланди. Кейин эса Кодор районида президент вакили бўлиб ишлаган Эмзара Квициани исмли шахс томонидан амалга оширилган ва бостирилган қуролли қаршилик ҳаракати ортида ҳам Москва тургани тахмин қилинди. Мухолифат иштирокида давлат тўнтариши тўғрисидаги даъволар эса учинчи уриниш...

Расмий Тбилиси тахминига кўра, Давлат девонхонаси олдидаги намойиш пайтида махсус тайинланган киши гранатомётдан йиғилганларни ўққа тутиши керак бўлган. Бу воқеадан эса ҳукуматнинг тинч аҳолига қурол кўтариши сифатида фойдаланиб, мамлакат миқёсида норозилик ҳаракатларини авж олдириш режалаштирилган. Расмий тахминга кўра, фитнада иштирок этган ҳар бир кишига 3000 доллардан мукофот ваъда қилинган.

Бироқ буларнинг бари Грузия ҳукумати, расмий шахслар илгари сураётган тахминлар, иддаолар. Улар ҳақиқий айблов бўлиши, ҳозирча гумондор бўлган мухолиф вакиллари жиноятчи деб топилиши учун терговсуд жараёнида тахминлар ўз исботини топиши керак.

Ҳозирча ҳибсга олинган мухолифат фаолларининг 14 тасига, жумладан, "Антисорос" ҳаракати раҳбари Майя Николеишвили, монархия партияси етакчиси Темур Жоржолиани, "Адолат" партияси ёшлар қаноти раҳбари Майя Топурияга давлат тузумини зўрлик йўли билан ўзгартириш ва ватанга хиёнат айбловлари қўйилган.

Айбланувчилардан фақатгина "Антисорос" ҳаракати раҳбари Майя Николеишвили ўз айбини тан олган ва мамлакат қонунларига кўра узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси берилиши кўзда тутилган жиноят билан айбланаётган сиёсатчи хоним... судгача қўйиб юборилган.

"Умид" (Надежда) сиёсий партияси раҳбари Ирина Саришвили мухолифат вакилларига қўйилаётган айбловлар ёлғон, келтирилаётган далиллар сохта эканини таъкидламоқда. Бир вақтнинг ўзида Гиоргадзе хайрия фонди раҳбари ҳам бўлган, бироқ бир бор сўроқ қилиниб, негадир ҳибсга олинмаган Саришвилининг айтишича, расмий ҳукумат фитна тўғрисида келишув бўлган дея иддао қилаётган 26 май куни мухолифат вакиллари турли шаҳарларда бўлган. Айрим шахслар ҳатто Грузиядан ҳам ташқарида бўлган. "Умид" партияси етакчиси "Антисорос" раҳбари Майя Николеишвилининг айбига иқрор бўлгани ҳолатига изоҳ бераркан, қаттиқ босим остида шундай қилишга мажбур бўлганини билдирган.

### "Сайловолди чигал ёзиш машқи"

Воқеаларнинг асосий қаҳрамони Игорь Гиоргадзе эса Грузия расмийларини мухолифатнинг фаол сиёсий иштироки ва тобора ошиб бораётган нуфузига тоқатсизликда айблаган. Шунингдек, оппозиция етакчиси Михаил Саакашвили ҳукумати сиёсий қатағонларга киришганидан хавотир билдирган. "Адолат" партияси етакчисининг фикрича, оммавий ҳибслардан кўзланган мақсад битта — аҳолини қўрқувга солиш ва аллақачон йўқотилган обрў-эътиборни қатағонлар ҳисобига қайтариш.

Мухолифатнинг амалдаги тузумга қарши жиноятга ҳозирлик кўргани ёки бу айблов сохта ва уюштирилган эканини аниқлаш журналист ваколатига кирмайди. Бироқ мухолифатга қарши амалиётлар айнан шу кунларда амалга оширилганини тасодиф эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, келгуси ойда — октябрнинг 5 куни Грузияда маҳаллий кенгашлар учун сайлов бўлиб ўтади. Сайлов борасида эса мухолифат ва амалдаги ҳукумат ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар юзага келган. Дастлаб сайлов вақти жорий йилнинг декабрига белгиланди. Мухолифатнинг тоғли ҳудудларда қиш мавсумида аҳолининг сайловда қатнашишга имкони йўқлиги тўғрисидаги эътирозлари ҳукуматни ўйлашга мажбур қилди. Пировардида, "Атиргуллар инқилоби" етакчиси Михаил Саакашвили сайлов муддатини 5 октябрга кўчириб гўёки мухолифатга ён босганини намойиш қилди.

Амалда эса... Амалда сайлов вақти ўзгаргани тўғрисида президент фармони эълон қилиниши билан мухолиф партияларга рўйхатдан ўтиш учун бор-йўғи бир неча кун муддат берилди. Президентнинг "Миллий ҳаракат" партияси эса устун имкониятга эга бўлиб қолаверди.

### Сталин даври қайтмоқдами?

Грузиядаги ҳибслар охирги пайтда шундоқ ҳам боши берк кўчага кириб қолган Москва-Тбилиси муносабатларини янада чигаллаштириб юборди. Боиси, фитна деб даъво қилинаётган воқеалар фош этилиши билан Грузия раҳбариятининг етакчи раҳбарлари қуролли давлат тўнтаришида Россия хавфсизлик кучларини очиқ-ошкора айблашди.

Грузия парламенти раисининг ўринбосари Михаил Мачавариани "Бизда "Адолат" партияси ва унинг тарафдорлари Россия махсус хизмати томонидан молиявий таъминланаётгани тўғрисида маълумотлар бор", дея даҳанаки кимўзар мунозарани бошлаб берди. "Грузия ҳуқуқ-тартибот идоралари олдиндан режалаштирилган фитнани фош этиб, Россия махсус хизматига кучли зарба беришди", деган яна бир депутат оловга мой пуркагандай бўлди. Президент Михаил Саакашвилининг баёноти Россияга қўйилаётган айбловлар фақатгина тор доирадаги сиёсий гуруҳлар фикри эмаслигини кўрсатгандай бўлди. 36 ёшида Грузия раҳбарлигига сайланган мамлакат раҳбари Россиядаги маълум кучлар Грузияни тор-мор этиш учун режали ҳаракат қилгани, бироқ барча ғаразли мақсадлар олди олингани, рақиблар бармоқ тишлаб қолганини маълум қилди.

Дарвоқе, Грузия махсус хизмати ана шундай вазифаларни уддалаган ўша 6 сентябрь куни Михаил Саакашвили Польшадаги халқаро форумда бўлган. Учрашувда унга "Марказий-шарқий Европа одами" унвони берилган...

Ўз навбатида Россия томонидан Грузия хавфсизлик кучларининг мухолифатга қарши ҳаракатлари кескин қораланди. "Саакашвили ҳукуматга ноқонуний йўл билан келди ва энди айни шу йўл билан ҳокимиятдан маҳрум этилишидан қўрқмоқда". Бу аксарият рус сиёсатдонлари билдирган муносабат. Россия Давлат думаси МДҲ масалалари қўмитаси раиси Андрей Кокошиннинг фикрлари эса янада оғирроқ бўлди: "Бу воқеа грузин тупроғида сталинизм руҳи тикланаётганидан далолат бермоқда".

Жанубий Осетия ва Абхазия масаласида Кремль билан Тбилиси бир тўхтамга келолмаётган бир пайтда мухолифатга боғлиқ сиёсий можаронинг келиб чиққани яхши бўлмади. Боз устига, айрим кузатувчилар Грузиядан мустақил эканини даъво қилаётган, бироқ ҳали тан олинмаган Жанубий Осетия ва Абхазия ҳудудида ҳарбий тўқнашувлар юзага келиши мумкинлигидан ҳам хавотир билдиришмоқда.

Сўнгги пайтларда Грузияда кузатилаётган ҳолат ҳарбий ҳаракатлар олдидан тайёргарликни эслатади. Ўтган ҳафта Грузия парламенти янги миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлади. Бунга кўра, эндиликда ҳарбий хизмат мудофаа хизматчилари билан бирга 20 дан 50 ёшгача бўлган захирадаги фуқароларга ҳам мажбурийдир. Мудофаа вазири ўринбосари Мамука Кудаванинг: "Мамлакат юқори ташқи таҳдид қаршисида турибди", дея баёнот бергани эса юқоридаги фикрларни тасдиқлаётгандек...

**Собиржон ЁҚУБОВ**



# КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

**Сурхондарёда 45959 нафар битирувчи коллежларда ўқиш истагини билдирган**

2005-2006 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз мактабларида тўлиғича 9 йиллик таълим тизимига ўтилди. Бироқ бу 9 йиллик маълумотни олган йигит-қизлар энди мустақил ҳаётга шўнғиб кетадилар дегани ҳам эмас. Негаки, "Таълим тўғрисида"ги қонун талабига кўра, улар учун билим ва ҳунар ўрганишнинг навбатдаги (бошланғич, ўрта таълимдан кейинги) учинчи босқичи туради. Зотан 9 йиллик маълумот олган ўсмир олдида келгусида ким бўлсам экан, деган навбатдаги савол, очиқроғи, навбатдаги довон кўндаланг туради.

Хўш, бу довондан ўтиш ва таълимнинг навбатдаги босқичига тўғри йўнала олиш фақат ўсмир олдида турган вазифами? Албатта, йўқ. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва миллий дастур бу вазифани оқилона амалга ошириш, мактаб битирувчисининг узлуксиз таълимнинг навбатдаги босқичига тўғри йўналтириш, энг аввало, ота-оналар ҳамда педагогларнинг вазифаси эканлигини уқтиради. Демоқчимизки, навбатдаги босқич — бу ўзаро ҳамкорликнинг, яъни талаба+ота-она+ўқитувчи ҳамкорлигининг ҳосиласи бўлиши лозим.

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказида бўлар эканмиз, аввало, масаланинг ана шу жиҳатига эътибор беришга ҳаракат қилдик. Яъни 2005-2006 ўқув йилида вилоят мактабларини битириб чиққан 50730 нафар ўсмир йигит-қизлар тақдири билан қизиқдик.

Аввало, ташхис маркази учун яратилган қулай шарт-шароит, шунингдек, туман халқ таълими бўлимлари қошидаги ана шундай турдош марказлар билан ҳамкорлик имкониятлари эътиборимизни тортди. Бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли қарори ҳамда бевосита таълимнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талаб даражасида бажарилишини таъминлаш учун деярли барча имкониятлар яратилган. Марказ замонавий компьютер, кўргазмали воситалар билан жиҳозланган хоналар ҳамда 4 нафар малакали мутахассис — ходимлар билан таъминланган.

— Мактаб битирувчиларининг касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларга йўналтириш ишларини ҳар бир ўқув мавсуми учун бир йил аввал бошлаш лозим бўлади, — дейди марказ раҳбари Абдували Қурбонов. — Айтайлик, 2006-2007 ўқув йили учун селекция ишларини биз ўтган ўқув йили аввалиданоқ бошлаб юборган эдик. Очиқроқ айтадиган бўлсак, ўқувчи 9-синфга ўтганданоқ мутахассисларимиз улар билан иш олиб боришга киришадилар. Бир йил давомида туман халқ таълими бўлими қошидаги марказларимиз мутахассислари ҳар бир битирувчининг имконияти, оилавий шарт-шароити, билим даражаси ва касб-ҳунарга бўлган иштиёқи, ҳатто ота-онасининг касбий фаолияти ва бунинг фарзанд ҳаётида тутган ўрни ҳамда таъсирини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Психолог-педагогларимиз эса кўпроқ боланинг қизиқишлари доирасини ўрганадилар ва талабани бўлғуси касб-ҳунарга руҳан тайёрлашга кўмак берадилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараён бир йил давом этади ва талаба мактабни битириш арафасида таълимнинг навбатдаги босқичида қайси йўналишни танлашга деярли тайёр туради.

Дарҳақиқат, марказ фаолияти билан танишар эканмиз, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, бу фақат педагогларнинггина эмас, балки бутун жамоатчиликнинг вазифаси эканлигига ҳам амин бўлдик. Жумладан, ушбу масъулиятли ишга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, "Бандлик" марказлари ва кўплаб нодавлат-нотижорат ташкилотлари марказ билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Йил давомида жамоатчилик ва нодавлат ташкилотларининг вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликдаги бир неча қўшма буйруқлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилган ҳамда вилоят туманларидаги барча мактаб, коллеж, академик лицейларни қамраб олувчи бир неча йирик тадбирлар ўтказилган. Хусусан, юқоридаги ҳамкорлик асосида жорий йилнинг май ойида ўтказилган "Касблар фестивали"да вилоят мактабларининг 45000 нафар битирувчи ўқувчилари иштирок этишган. Фестивал давомида битирувчилар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бўлиб у ердаги шарт-шароитлар, ўқиш-ўқитиш жараёнлари, шунингдек, мазкур илм масканларида ўрганилаётган касб-ҳунарларнинг мазмун-моҳияти, ўзига хос томонлари билан яқиндан таништирилди. Эътиборлиси шундаки, ушбу тадбирларда ота-оналар, меҳнат фахрийлари, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиб айни пайтда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган йигит-қизлар ҳам иштирок этишди. Термизда ўтказилган яна бир тадбирда эса 2000 нафар битирувчи ўқувчилар шаҳардаги 8 та касб-ҳунар коллежларининг ҳар бири билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Марказ ташаббуси билан туман мактабларида ўтказилган "иншо кунлари"да 50730 нафар битирувчининг 49592 нафари иштирок этди ва "Мен орзу қилган касб" мавзусида иншо ёзишди.

Марказ аъзоларининг ўтган бир йиллик узлуксиз фаолиятлари натижасини таҳлил қилар эканмиз, ушбу саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаганлиги аён бўлади. Хусусан, 50730 нафар битирувчининг 4771 нафари академик лицей, 45959 нафари эса касб-ҳунар коллежларига йўналтирилди.

Марказ туман халқ таълими бўлимлари, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда барча билим муассасаларида эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, юқумли жинсий касалликлар, алкоголизм ва гиёҳвандлик исканжасига тушиб қолишнинг оқибатлари ҳақида ҳам бир қатор учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. Шу мақсадда деярли барча таълим муассасаларида "Қизлар клуби" ташкил этилган. Албатта, бундай ишларнинг замирида бир нарса, у ҳам бўлса ҳар томонлама соғлом ва ақлий жиҳатдан етук ўсмир ўз тақдири ва эртанги кунини кўпроқ ўйлайди, ҳамиша чуқур билим ва касб-ҳунарга интилади, деган ҳақиқат ётади.

Марказ фаолияти билан танишиш жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида вилоятда ўзига хос муаммолар, айниқса, марказ фаолиятига боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бўлиши мумкин-ку, деган саволлар ҳам пайдо бўлди. Ушбуга марказ раҳбарининг ўринбосари Ё. Нормуродов қуйидагича изоҳ берди:

— Бу соҳадаги энг оғриқли нуқта баъзи бир ҳудудларга касб-ҳунар коллежларида йўналишлар белгиланганда ўша ҳудуднинг ўзига хос томонлари ҳисобга олинмаганидир. Яъни маълум бир ҳудудда қайси бир касб-ҳунарга қизиқиш талаби катта бўлгани ҳолда айни шу мутахассисликларнинг бўлмагани муаммо келтириб чиқармоқда. Оқибатда бу ҳол талаба ва ота-оналар эътирозига сабаб бўлаётир. Масалан, Термиз шаҳри коллежларида қурилиш ва алоқа мутахассислиги, Бойсун туманида санъат ва маданият, Бандихонда педагогика ва ижтимоий-иқтисодий йўналиш, Ангор, Қумқўрғон ҳамда Сариосиёда тиббиёт, Деновда саноат ва қурилиш, Шерободда педагогика мутахассислиги йўналишлари мавжуд эмас. Шунингдек, деярли бошқа ҳар бир туманда ҳам ана шундай муаммо етарли. Албатта, ушбу муаммони бежиз тилга олмаяпман. Бу марказ мутахассислари, шунингдек, туман халқ таълими бўлимлари қошидаги марказлар ҳамда коллежлар мутахассислари фикрларини таҳлил ва ташхис қилиш жараёнида келиб чиққан хулоса. Ушбу масала вилоят ҳокимлиги, тегишли вазирлик ва бошқармалар ҳамкорлигида ўрганилиб, бартараф этилмас экан, бизнинг селекция ишимизда барибир муаммо бўлаверади. Сабабки, айни пайтда юқоридаги муаммо туфайли кўпгина ҳудудларда битирувчилар ўзлари қизиққан мутахассисликлар мавжуд бўлмагани боис бошқа йўналишларга ўқишга мажбур бўлишаётир.

Ўринли эътироз ва, албатта, бу муаммо келгусида ўз ечимини топишига ҳам ишонамиз. Зотан, ҳар бир бошланган хайрли иш ўзига хос ютуқ ва муаммолардан иборат бўлишини эътиборга олмоқ лозим. Ҳозирча эса халқ таълим бошқармалари қошидаги касб-ҳунарга йўналтириш марказларининг бир йиллик самараси меҳнати якун топиб ўқув йили селекцияси учун иш режалари бошлаб юборилди. Жумладан, Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги биз тилга олиб ўтган ташхис марказида ҳам. Зеро, бу соҳада улар жорий ўқув йилидагидан-да самарали фаолият олиб боришларига умид қилиб қоламиз.

**Даврон ОРИПОВ, "Hurriyat" мухбири**

*Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

